

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACIсининг
ҚАРОРИ**739 Наманган муҳандислик-қурилиш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда республика ҳудудларида муҳандислик, архитектура ва қурилиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорига мувофиқ Наманган муҳандислик-педагогика институти Наманган муҳандислик-қурилиш институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) сифатида қайта ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

муҳандислик, архитектура, қурилиш, машинасозлик ва коммунал хўжалик соҳаларининг ташкилотлари учун юқори малакали, рақобатбардош ва меҳнат бозори талабларига мос кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда тегишли муҳандислик, архитектура, қурилиш ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан ахборот-ресурс марказлари фондларини энг янги хорижий адабиётлар билан мунтазам янгилаб бориш;

ўқув-педагогик фаолиятга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни кенг жалб қилиш, шунингдек иқтидорли магистрантлар, ёш ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг хорижий олий таълим муассасаларида стажировкадан ўтишини, профессор-ўқитувчилар малакасини оширишини ташкил қилиш;

илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш;

ёшларни ватанпарварлик ва фидойилик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий бой, ҳар томонлама камол топган, мустақил дунёқарашга ва мустақил фикрлашга эга бўлган шахс сифатида тарбиялаш;

олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ янада мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки, Институт қайта ташкил этилаётган Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар:

Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар таркибини тўлдириш ва зарур моддий-техника базасини яратиш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, зарур ҳолларда, Институтнинг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йили ва кейинги йиллар учун Институтга ўқишга қабул қилиш квоталарини шакллантиришда ҳудуднинг истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобга олиб, тармоқларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини йиллар бўйича аниқ манзилли, касб ва таълим йўналишларни (мутахассисликларни) кўрсатган ҳолда ишлаб чиқишни назарда тутсин;

2017/2018 ўқув йили бошланишига қадар Институтнинг таълим йўналишлари ва ихтисосликларини давлат таълим стандартлари ҳамда тегишли малака талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминласин.

6. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-

30 (790)-сон

— 241 —

739-модда

фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклан-
син.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 июль,
540-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 540-сон қарорига
1-ИЛОВА


739-модда

— 242 —

30 (790)-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти ТУЗИЛМАСИ*



* Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

**Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш,
профессор-ўқитувчилар таркибини тўлдирish ва зарур моддий-техника базасини яратиш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
I. Институт фаолиятини ташкил этиш ва ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш				
1.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти уставини белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2017 йил август	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг харажатлар сметаси ва штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2017 йил август	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти Васийлик кенгашини ташкил этиш, унинг таркибига кадрларнинг асосий фойдаланувчилари Наманган вилоятидаги ташкилотлар, вазирликлар ва идораларнинг вакилларини киритиш.	2017 йил декабрь	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
4.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг ташкил этилганлиги муносабати билан ёшлар ўртасида фаол тушунтириш, касбга йўналтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш. Оммавий ахборот воситаларида институтни қайта ташкил этишнинг мақсадлари ва вазифаларини, унинг мамлакат иқтисодиётининг тегишли соҳалари учун кадрлар тайёрлашдаги ўрни ва аҳамиятини кенг ёритиш.	2017/2018 ўқув йили давомида	Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
5.	2017/2018 ўқув йилида ва кейинги ўқув йилларида белгиланган тартибда тасдиқланган янги йўналишлар бўйича ўқув режалар ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш.	Ҳар йили 1 сентябргача	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6.	Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Тошкент давлат техника университети қошидаги педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқ	Тасдиқланган режа асосида	Институтнинг бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари тўлов-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	марказларида, шунингдек, соҳа бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасаларида Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтказиш.		контракт маблағлари ҳисобидан	
7.	2018/2019 ўқув йили ва кейинги йиллар учун Институтга ўқишга қабул қилиш квоталарини шакллантиришда худуднинг истиқболли ривожланиш дастурларини ҳисобга олиб, тармоқларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини йиллар бўйича аниқ манзилли, касб ва таълим йўналишларни (мутахассисликларни) кўрсатган ҳолда ишлаб чиқиш.	Ҳар йили 1 январгача	-	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
II. Профессор-ўқитувчилар таркибини тўлдириш				
1.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти кафедраларини танлов асосида тегишли йўналишлар бўйича юқори малакали кадрлар билан тўлдириш.	Доимий	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича тармоқ корхоналаридан ва лойиҳа-қидирув ташкилотларидан етарли илмий-педагогик тажрибага эга бўлган мутахассислар ва олимларни таълим жараёнига кенг жалб этиш.	2017/2018 ўқув йилидан бошлаб мунтазам равишда	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтида педагогик фаолият олиб бориши учун ёш мутахассисларни Тошкент шаҳридаги таянч олий таълим муассасаларида мақсадли тайёрлаш.	Тасдиқланган режа асосида	Институтнинг бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
4.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтида масофадан ўқитиш элементларини жорий этиш учун зарур техник, дастурий, методик шарт-шароитлар яратиш ва Тошкент архитектура-қурилиш институти, Андижон машина-созлик институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини ташкил этиш.	2017/2018 ўқув йили	Институтнинг бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
5.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг махсус кафедралари илмий тадқиқотлари йўналишларини белгилаш, грантлар жалб этишни ташкил этиш ва ҳўжалик шартномаларини бажариш. Архитектура ва қурилиш, машинасозликнинг технологик асбоб-ускуналаридан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш.	Доимий	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва ишлаб чиқариш корхоналарининг биргаликдаги илмий-тадқиқот, илмий-методик ишланмаларини ташкил этиш.	2018 йилдан бошлаб	Институтнинг бюджет маблағлари доирасида ва бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
7.	Таянч техника олий таълим муассасалари (Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти ва бошқа таянч олий таълим муассасалари)нинг етакчи олимлари раҳбарлигида илмий-тадқиқот, илмий-методик ишлар олиб бориш бўйича ёш ўқитувчилар учун шарт-шароитлар яратиш. Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг ёш олимларини илмий ишни яқунлаш учун республиканинг таянч техника олий таълим муассасаларига ва илмий муассасаларига ҳамда соҳа бўйича етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юбориш.	2018 йилдан бошлаб	Институтнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
III. Моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш				
1.	Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг ўқув-лаборатория биноларини, талабалар турар жойларини мукамал таъмирлаш, замонавий лаборатория асбоб-ускуналари ва зарур техникалар билан жиҳозлаш.	2017 — 2021 йиллар	Инвестиция Дастурига асосан капитал қўйилмаларнинг марказлашган лимитлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
2.	Наманган муҳандислик-қурилиш институти «Сув таъминоти ва канализация», «Метрология, стандартлаш-	2017-2018 йиллар	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
	тириш ва ўзаро алмашувчанлик», «Озиқ-овқат технологиялари», «Пайвандлаш конструкцияларини ишлаб чиқариш», «Қурилиш материаллари, конструкциялари ва ишлаб чиқариш технологиялари», «Иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция ва сервис» бўйича ўқув-лаборатория комплекслари билан таъминлаш.			
3.	Кимё ва физика йўналишлари бўйича ўқув-лаборатория комплекслари билан таъминлаш.	2018-2019 йиллар	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
4.	«Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги», «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси, фавқулодда ҳолатларда ҳимоя», «Йўл-қурилиш материаллари», «Кимёвий технологиялар» бўйича ўқув-лаборатория комплекслари билан таъминлаш.	2019-2020 йиллар	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
5.	Аудиториялар ва компьютер синфларини компьютерлар, проекторлар ва сервер қурилмалари билан таъминлаш.	2017 — 2020 йиллар	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги